170185

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 12 январь, пайшанба №6(21.769.) Сотувда эркин нархда.

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Польша Республикасига жўнаб кетди.

— Европа қитъасининг марказида жойлашган Польша Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарамоқда,— деди Ислом Каримов Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатда.— Ташриф давомида Польша билан иқтисодий, маданий, илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш хусусида бир қатор хужжатлар имзолашни режалаштирганмиз. Икки давлат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, Варшава-Тошкент авиақатновини йўлга қўйиш масалаларида ҳам келишиб олмоқчимиз.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

***

ВАРШАВА, 11 январь. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Польша Республикасига расмий ташрифи бошланди.

Президент саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов ва унинг рафиқасини Польша Президенти Лех Валенса рафиқаси билан кутиб олди. Икки давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида юксак мартабали меҳмон шарфига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Польша давлат мадҳиялари янгради. Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар. Президент саройининг оқ залида Президент Ислом Каримов Польша давлати раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди.

Саройнинг мовий залида эса икки давлат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар сўнгида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Лех Валенса Ўзбекистон билан Польша Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Маросим ниҳоясида Президентлар журналистлар билан учрашиб, мазкур олиймақом учрашув натижалари хусусида сўзладилар, оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Сўнг Президент Ислом Каримов Варшавадаги Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Уруш қурбонларини хотирлаб, ҳурмат бажо этди.

Ўзбекистон Президентининг Польша Республикасига расмий сафари давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

10 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон ХДПнинг иштирокига дастлабки якун ясалди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда мамлакатимиз тарихида биринчи марта қўппартиялилик асосида ўтказилган сайловларнинг қонун-қоидалар доирасида, тартиб-интизом ва фуқароларнинг фаоллигида ўтганлиги мустақил Ўзбекистоннинг демократия йўлидан қатъий бораётганлигини намойиш этди, дейилади. Мазкур ҳужжатда сайловларнинг умумий якуни ва ХДП эришган натижалардан партиямиз асосан қониқиш ҳосил қилганлиги таъкидланди. Сайловларнинг бош натижаси — халқимиз иродасининг ғалабаси, мамлакатимиз барча соғлом кучларини Президентимиз И. А. Каримов томонидан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш йўлида амалга оширилаётган сиёсат атрофида янада жипслаштирганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленумида сайловлар натижаларини чуқур таҳлил қилиб, партия ташкилотларининг ундан келиб чиқадиган вазифаларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ топилди.

Мажлисда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига такрорий сайловлар ўтказиладиган округлар бўйича номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Сиёсий ижроқўм «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун ва партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойи берган ваколатга мувофиқ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари билан келишилган ҳолда шу йил 22 январда такрорий сайловлар ўтказиладиган 7 та ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон ХДП дан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқлади ҳамда Марказий сайлов комиссиясидан уларни рўйхатга олишни сўради.

Сиёсий ижроқўм 1995 йил январидан бошлаб «Мулоқот» ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журналига партия Марказий Кенгашининг муассис булишлиги тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Партиямиз учун шундай нашрга зарурат борлиги ҳамда мазкур журнал ижодий жамоаси истагини ҳисобга олиб, шу ҳақдаги таклифни маъқуллади. Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятининг янги тузилмаси ва лавозимлар жадвали тасдиқланди.

Мажлисда партиямиз ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Бежирим, миллийлик уфуриб турган кийим-кечакларга эътибор берган халқ тараққий этишга ҳақли, деган иборада катта маъно бор.

Қорақалпоғистонда ҳам кейинги икки-уч йил ичида ана шундай аждодлар анъаналарига янада эътибор берила бошланди. Бунга мисол қилиб, Нукусдаги ижарадаги «Гўзал» тикувчилик хорхонасини кўрсатишимиз мумкин.

СУРАТДА: корхона директори Роза Жолаева, цех бошлиги Салжанат Жолаева ва тикувчи Ойгул Множаддиновалар билан янги миллий моделда тикилган тайёр кийим-кечакларни кўздан кечирмоқда.

А. МУРОДОВ (ЎзА) олган сурат.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Янги йилнинг дастлабки кунларида, сизларни сиҳат-саломат, бардам кўриб турганимдан мамнунман.

Сизларни ва сизлар орқали пойтахт вилоятимизнинг барча аҳолисини Янги — 1995 йил билан муборакбод этиб, ҳаммангизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака ва омадлар тилайман.

Шу билан бирга мана шу залда ўтирган депутатларни халқимиз билдирган юксак ишончни оқлаш йўлидаги фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсизлар.

Ҳаммангизга аёнки, бугунги кунда — юртимиз, жамиятимиз машаққатли синовлардан ўтаётган бир пайтда халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиш ҳар қайси инсон учун катта обрў, катта ишонч шунингдек, жуда катта масъулиятдир. Ишонманки, бундай шарафли ишончга сазовор бўлган депутатлар буни яхши тушунадилар, унинг қадр-қимматини қалбларидан утказиб баҳолайдилар.

Бундай мураккаб пайтда халқ кимнинг кимлигини айниқса яхши билиб олади. Ким эл-юрт манфаати учун чинакам қайғуряпти-ю, ким қуруқ, ҳавойи ваъдалар билан ўз мақсадини кўзлаяпти — одамлар сезиб-билиб турадилар.

Шу маънода Ўзбекистон ҳаётида, жамиятимиз тарихида илк бор эркин, қўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказилиши улкан тарихий воқеа десак, асло муболаға бўлмайди.

Чунки биринчи марта ҳам Ўзбекистон парламентига — Олий Мажлисга, ҳам маҳаллий туман, шаҳар, вилоят кенгашларига номзодлар кўрсатишда, улар орасидан ҳақиқатда энг муносиб шахсни сайлаб, танлаб, ажратиб олишга имконият туғдирилди.

Биринчи бор сайловчи инсон учун Конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг хоҳиш-иродасини тўла намоён қилишига замин яратилди.

Бугун биз ўз юртимизда эркин ва озод жамият — адолатли ҳаёт пойдеворини, демократик давлатимизнинг асослари ва қадриятларини қураётган ва тиклаётган бир даврда ўтган сайловлар ва уларнинг натижаларидан Ўзбекистоннинг халқаро обрўйида обрў қўшилаётганини жамоатчилигимиз сезиб турганига аминман.

Шу билан бирга ўтган сайловлар фуқароларимиз сиёсий савиясининг усишида, одамларимиз онгида адолатга ишонч пайдо бўлишида ғоят ижобий таъсир қилаётганини ҳам кўриш мумкин.

Тарихимиздан маълумки, қадим замонлардан буён инсонларнинг энг катта ва эзгу орзу-ниятлари, мақсадлари ҳаётда адолат ўрнатиш, адолат ҳукмронлигини жамият ва уз ҳаётида кўриш, ҳақиқат тантанаси учун курашдан иборат бўлган. Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман: халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади,юртда файзу барака,одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади. Адолат бўлмаган жойда адоват пайдо бўлади,кишилар орасида низо-нифоқлар кучаяди. Буни тарихимиздан ва сўнгги йилларда ўлкамизда юз берган воқеалар мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, «босмачи» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам, Фарғона фожеаси туфайли халқимиз бошига ёғилган балоофатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Уйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор.

Ҳаётда адолат ўрнатиш, албатта, ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп омилларига боғлиқ. Аммо энг муҳим, ҳал қилувчи омиллардан бири — бу эркин, одил сайлов тизимидир. Яъни ҳар қайси поғонада — жамоами, маҳаллами, корхонами, туманми, шаҳарми, вилоятми, давлатми, унинг ривожи ва тақдири кўп жиҳатдан муносиб ёки номуносиб шахсларни, ваколатларга эга бўлган раҳбарларни, шу жумладан, ҳаётимиз — келажагимизни ишонич топширган нойб-депутатларни сайлаб олишимизга боғлиқдир.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилмаса керак, деб ўйлайман. Чунки, одамларнинг бошини қовуштириб, тинчлик-тотувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлига бошлайдиган, ҳамдард ва раҳнамо бўлиб ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки аксинча,мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо қилмасдан, уз манфаатини кўзлаб, ҳаром-ҳаришга қўл урадиган, ишнинг кузини билмасдан, қўлидан иш келмасдан жамоа ҳаётини вайрон қилиб ўзидан доғ қолдирадиган ҳам раҳбар. Бу фикрларнинг асосий маъноси шуки — депутатлар ҳам, улар орасидан танлаб олинадиган раҳбарлар ҳам сайлов пайтида сайланади,қандай инсон эканлиги намоён бўлади.

Сайловлар маълум бир қолип ва тартибда, яъни эски замондан қолган усулда — хоҳлайсизми-йўқми, ёқадими-ёқмайдими, маъқулми-номаъқулми, ишонасизми-ишонмайсизми ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи «улуг партиямиз» — КПСС белгилаб берган танҳо номзодга овоз беришга мажбур бўлган замонимизда қандай эркинлик бўлиши мумкин эди?

Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўппартиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий. Шу сайловни ўтказиш жараёнининг ўзидаёқ одамларнинг онги ўзгарди, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган бўлди.

Илгариги сайловларни эсга оладиган бўлсак, ҳар беш йилда бир хил одамларни депутатликка сайлар эдик. Сайлов арафасида улар катта ваъдалар берарди-ю, ваколати тугаётганида эса ҳеч ким улардан ҳисобот талаб қилмасди. Муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказар эканмиз, буларнинг ҳаммасига ҳаётнинг ўзи чек қўйди.

Шунинг учун ҳам ўтган сайловларда сайловчиларга берилган ҳуқуқ — ўз овозини, ўз хоҳиш-иродасини билдириб, икки-уч номзоддан битта номзодни танлаб олиш ҳуқуқи ҳаётимизнинг янги босқичига қадам қўйиш билан баробар.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин,уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақириқ-чақириқлар билан майдону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, узига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика кенгашларида узлари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-гайратини бағишлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини уз муддатида масъулият билан адо этиш-бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши булиши лозим.

Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор булиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо, жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли беқарорликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас.

Ўзбекистонда ҳали ўзини тутиб олган, мустаҳкам ғоясига эга бўлган партиялар шаклланиб улгурганича йўқ. ХДПнинг тузилганига мана уч-тўрт йил бўлди. Лекин ҳали бу партиянинг ҳам амалий ҳаракатлари, ғояси билан одамларни ўзига жалб қилиш, янги дастурлар ишлаб чиқиш борасида кўп заиф томонлари бор. Келажакда бу партия ҳам ўзини тутиб олишига ишонаман.

Мен бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: куни кеча «Яшасин КПСС!» деб қичқириб юрган баъзи кимсалар бугун ҳам ягона бир сиёсий куч, ягона бир партиянинг яккаҳокимлигини орзу қилиб юришибди. Яккапартиявийлик тузумида яшаган кунларимизнинг қандай хунук оқибатларга олиб келганини назарда тутиб, биз бунга асло йўл қўёлмаймиз. Бу ҳаммага аён бўлиши керак.

Умуман, чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, нима учун ёлғиз қандайдир сиёсий гуруҳ ўз манфаатини кўзлаб, ҳаётдан узоқ, сохта, баландпарвоз гаплар ва чақириқлар туфайли одамларни алдаб, ўз мансабпараст мақсадларига эришиши керак экан? Биз масаланинг бу тарзда қўйилишига бутунлай қаршимиз. Биз аввало халқимиз, жамиятимизнинг барча аъзолари фаровон ҳаёт кечириб яшасин, деган ақида тарафдоримиз. Ишончим комилки, шундагина биз фуқаролар тотувлигига, миллатлар ҳамжиҳатлигига асосланган мустаҳкам демократик жамият қуришга эришамиз.

Сунгги сайловларда маҳаллий кенгашлар,Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияларидан курсатилган номзодлардан депутатлар сайланди. Энди депутатлар қайси тоифадан, партиядан, қайси гуруҳдан сайланган бўлсалар, шулар номидан ишлаши, фаолият кўрсатиши лозим.

Кечаги сайловлар натижасида маҳаллий кенгашлардан тахминан 67 фоиз, ХДПдан 28 фоиз, «Ватан тараққиёти» партиясидан эса 5 фоиз депутат сайланди.

Кейинги сайловлар пайтида яна бир бор сайловчилар билан юзма-юз бўлганда ишга ноқобил, қуруқ ваъдалар билан сайловдан ўтган номзодларга халқ ўзи ҳакам бўлади. Агар одамлар дастлаб адашган бўлишса, навбатдаги учрашувларда анча пишиқ бўлиб қолишлари муқаррар.

Ишонаманки, халқаро тажрибада ўзини оқлаган мана шундай тизим-тартибга биз ҳам босқичма-босқич етиб борамиз, албатта.

Бугун Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатлар ишга киришар экан, мана шу фикрларнинг мағзига етиб, ўз масъулиятларини чуқур англаб олиб, фаолиятларини бошлашлари керак.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга танқидий кўз ташлаб, авваламбор, йўл қўйилган камчиликлар, хатоларни баҳолаб, ундан кейин янги йил режаларини кўриш лозим.

Тошкент вилояти — катта салоҳиятга эга бўлган, меҳнаткаш, билимдон, ишнинг кузини биладиган, омилкор аҳолисининг маҳорати билан донг қозонган, доимо бошқаларга намуна бўлиб келган вилоятдир.

Буни ҳеч ким ҳеч қачон инкор қилолмайди. Саноат, қурилиш, деҳқончилик, хизмат тармоқлари — қандай соҳани олсангиз ҳам, буларнинг барчасида республиканинг, узоқ-яқин жойларида маълум ва машҳур бўлган Тошкент вилоятининг меҳнат жамоаларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиздаги энг улкан, катта имкониятларга эга бўлган корхоналар ҳам Тошкент вилоятида. Кадрлар ҳақида гапирадиган бўлсак, зиёлилар ҳақида гапирадиган бўлсак — ҳар доим Тошкент вилоятини фахр билан тилга оламиз.

Республика миқёсида ҳавас қиладиган одамлар, Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга таратаётган инсонлар ҳам шу вилоятдан чиққан. Буларнинг ҳаммасини инобатга олсак, Тошкент вилоятидан кўп нарсаларни кутиш лозим бўлади. Авваламбор, бугун юртимизда бўлаётган янгиланиш, ислоҳотларда бу вилоятнинг пешқадамлар сафида бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: Тошкент вилоятини республика илғорлари қаторида кўриш ҳаммамиз учун табиий ҳолдир.

Лекин, минг афсуски, вилоятда олиб борилаётган ишлар билан танишганда, ҳавас қилгулик жиҳатлар йўқлигини кўриб ҳам ачинасиз, ҳам таажжубга тушасиз. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда вилоятда иш юришмай қолди. Халқ ҳужалик соҳаларидаги кўрсаткичлар йилдан- йилга пасайиб бормоқда. Бундай ҳолни тушуниш жуда қийин. Чунки, бундан бир йил аввал — 1993 йил декабрь ойида Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда айни шу мазмундаги гаплар айтилган, бугун шу йилгинда ўтирган кўпгина туман, вилоят раҳбарлари иштирокида аҳвол батафсил таҳлил қилиниб, очиқ-ойдин баҳо бе-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

238-УНИВЕРСИТЕТ САЙЛОВ ОКРУГИДА ТАКРОРИЙ САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги республика Қонунининг 44-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1995 йил 8 январь куни ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра икки номзоддан ҳеч бири депутатликка сайланмагани сабабли 238-Университет сайлов округида 22 январь куни такрорий сайлов ўтказилсин.

2. Такрорий сайловни асосий сайлов ўтказиш учун тузилган округ сайлов комиссияси ўтказиши белгилаб қўйилсин.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. АҲМЕДОВ.
Марказий сайлов комиссиясининг котиби А. АНОРҚУЛОВ.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқандда бозор иқтисодига ўтиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни янада ривожлантириш ҳамда хусусийлаштириш муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов очиб, вилоятда хусусийлаштиришнинг бориши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб борасида эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида гапирди. Йиғилишда республика Президентининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги Фармонлари ижроси, хусусий мулк эгалари, ишбилармонларга яратиб берилаётган қулайликлар тўғрисида сўз борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани ҳудудида барпо этилаётган нефтни қайта ишлаш заводи республикамиз ёнилғи мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Завод фойдаланишга топширилгач, йилига 5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади.

Ўтган 1994 йил давомида давлат аҳамиятига молик мазкур иншоотда 90 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Янги 1995 йилда эса қурувчилар 300 миллион сўмлик кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни режалаштирмоқдалар.

Хўш, бундай катта ҳажмдаги ишларни маромига етказиш учун қурувчилар қандай муаммоларни бартараф этишлари лозим? Зарур лойиҳа ҳужжатлари вақтида етказиб берилаяптими? Зарбдор қурилишни молиявий жиҳатдан таъминлашда узилишлар рўй бермаяптими? Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига жалб қилинган йирик трестлар, бошқармалар раҳбарлари, муҳандис мутахассислари билан учрашиб, ана шу масалалар юзасидан фикр алмашди. Ишчанлик руҳида ўтган учрашув чоғида янги йилда пудратчи ташкилотларнинг ишини янада яхшилаш, завод қурилишини жадаллаштириш бўйича амалий тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида бир гуруҳ республика Олий Мажлиси депутатлари билан учрашув бўлди. Уни марказ раҳбари, академик Эркин Юсупов очди. Бир пиёла чой устида бўлган бу мулоқотда маданият, маърифат ва маънавият жабҳасидаги вазифалар, парламент аъзоларининг уларни амалга оширишдаги ўрни хусусида гап борди.

Учрашувда республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази кенгашига аъзо бўлган ўн етти киши Олий Мажлис депутатлигига сайлангани мамнуният билан таъкидланди.

(ЎзА)

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК ИШОНЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рилган эди.

Бугунги мажлисда ўтган давр мобайнида вилоятда қилган ишларимизга якун ясасак, мақтаниш ўқда турсин, кўп соҳалардаги вазиятни тушуниш қийин. Хуш, 1994 йилда 1993 йилга нисбатан қандай ўзгаришлар юз берди?

Саноат соҳасини қараб чиқайлик.

Вилоятдаги қайси йирик корхонани олсангиз ҳам аҳвол гоят ташвишланарли эканини кўрасиз. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўта чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром», Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида (бу ғойатни давом эттириш мумкин), аҳвол ниҳоятда ачинарлидир.

Вилоятда тахминан 2500 та кичик ва хусусий корхона тузилганига қарамасдан, улардан бирортаси ҳам рақобатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмас.

Ташкил қилинган 66 қўшма корхоналардан 50 фоизи фаолият кўрсатмоқда, холос. Кўпчилик раҳбарлар бугунги вазиятни собиқ Иттифоқ пароканда бўлгандан кейин алоқалар узилишига боғлаб тушунтирмоқдалар. Биз буларнинг барчасига ҳушёр кўз билан баҳо бермоғимиз даркор.

Биз дунё бозоридан ҳамашё билан эмас, аксинча, сифатли, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот билан ўз муносиб ўрнимизни эгаллашимиз лозим. Муаммоларни, олдимизда турган тўсиқларни бартараф қилишнинг асосий йўли шу.

Шундай кунлар келади, келмоқда ҳам. Ўзбекистон тобора жаҳон бозорига чиқиб бормоқда.

Аммо бу улуғ мақсадларга етиш учун, фарзандларимизга озод, эркин, фаровон ҳаёт яратиб бериш учун қийинчиликларга мардона бардош бериб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак.

Афсуски, шу нуқтаи назардан вилоятдаги бошқа соҳалар ишига назар ташласангиз, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳам кўпида деярли ўзгаришлар йўқлигини кўрасиз.. Эски ҳаммом, эски тос. Кўпгина ҳолатларни таҳлил қилганда аввалгидек боқимандалик кайфияти ҳамон ҳукм сураётганини сезиш мумкин. Аввало, раҳбарлар ўзини мустақил ва мустаҳкам сезмасдан, ниманидир пойлаб ўтирганини кўриш мумкин.

Яна бир бор аниқ ва қатъий айтмоқчиман: эски замон энди ҳеч қачон қайтмайди! Бекорга пойлаб-қумсаб ўтирибсизлар. Вақти-соати келди энди жавоб бериша. Ёки бугунги замон талаби билан ишлайсизлар ёки овора бўлмасдан, бизларни ҳам овора қилмасдан, йўлни тусмасдан, жойингизни бўшатиб берасизлар!

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги аҳвол саноатдагидан ҳам ночор. Айтинглар, бу ҳолга ким жавобгар? Ким четдан туриб вилоятга халқит бермоқда, ишингизга гов бўлмоқда? Балки шу залда ўтирган туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари ўтган йил мавсуми натижаларини, якунларини изоҳлаб, тушунтириб беришар?

Шуниси ачинарлики, вилоятда пахтачилик бўйича йиллик режани уддалай олмаган туманлар ва хўжаликларнинг деҳқонлари 33 фоизлик имкониятдан, янги қўшимча катта даромадлардан маҳрум бўлдилар. Мен буларнинг ҳаммаси раҳбарлик ва бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги оқибати, деб биламан. 1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рукач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман.

Ғаллачиликда ҳам ўтган мавсумда ҳосилдорликнинг яна пасайиб, маҳсулот умумий ҳажмининг янада қониқарсиз даражага тушиб қолганлиги эътиборни жалб қилади.

1994 йили вилоятда дон ҳосилдорлигининг 3-4 центнерга камайиб кетганлигини ҳеч қандай сабаб билан оқлаш мумкин эмас. Бундай аҳволда Узбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш масаласини ҳал этишда пойтахт деҳқонларининг ҳиссаси қандай бўлади, буни бир чуқурроқ ўйлаб кўрайлик!

Сабзавотчилик соҳасини олиб қарадиган бўлсак, яна нохуш манзарага дуч келамиз. Тошкент вилоятининг кўп туман ва хўжаликларининг сабзавотчиликка ихтисослаштирилгани маълум. Хуш, шундай экан, ўтган даврда бу соҳада қандай ютуқларга эришдик? 1994 йили 1993 йилга нисбатан вилоятда 22,5 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна картошка, минг тонна узум кам етиштирилди. Агар Тошкент вилоятида сабзавотчилик шу сурьатлар билан ривож топадиган бўлса, Тошкент шаҳрининг 2 млн. 300 минг кишилик аҳолисини таъминоти ўёқда турсин, вилоят аҳолисини боқиш ҳам амримаҳолдир.

Энг оғир аҳвол чорвачилик тармоғида мавжуд. Биргина 1994 йилнинг ўзида хўжаликлар ҳисобида қора молларнинг сони 14 мингтага, қўй-эчкилар 52 мингтага, паррандалар сони 500 мингтага камайиб кетганини қандай изоҳлаш керак?

Бундай ачинарли, ночор аҳволнинг сабабларини кўп нарсаларда кўриш мумкин. Лекин *бу иллатнинг асосий сабаб ва илдизларини ишни эскича ташкил қилиш, бепарволик, лоқайдлик, раҳбарлар ва мутасадди мутахассисларнинг суяги эски тизим қоидаларида қотиб қолганлигида кўриш мумкин.*

Ислоҳотларни ўтакетган расмиятчилик, хўжакўрсинлик усулида ўтказиш, ҳар қандай янгиликка қарши туриш, бугунги замон талабларини мутлақо тушунмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳам бу ҳолатнинг сабабларидир. Мулк шаклини ўзгартириш бўйича эълон қилинган фармон ва қарорларни бажариш ўрнига ҳар қадамда уларга тўсқинлик қилаётган бюрократик тартиблар ҳам бунинг яна бир сабабидир.

Заҳматкаш, оддий деҳқонни ҳурмат қилмаслик, унда мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш у ёқда турсин, янги пайдо бўлаётган фермерларга, мулк эгаларига тўсқинлик қилиш — ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини йўққа чиқаради.

Яна бир бор айтаман: бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларининг савиясига, инсофига, ишбилармонлиги ва талбиркорлигига боғлиқ.

Ҳамма белгилаган тадбирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлиқ бўлиб турибди. Бироқ, минг афсуски, эски замон тарбияси билан суяги қотган, ўртача поғонада ўтирган кўпчилик раҳбар ва фаолларимиз аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга гов бўлиб турибди. Чунки бундай кимсалар аввало янгиликдан қўрқади, маъсулиятни ўзига олмайди, эшигимизни қоқиб турган бугунги ҳаёт талабларини тушунишни хоҳламайди, давлат-жамоа мулкини худди отабобосидан қолган меросдай билади.

Бу ҳолатнинг энг ёмон, хавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакиллари деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обруйини тўкади. Оддий фуқаролар, деҳқонларимиз эртага ҳам шу ҳолат давом этса, ислоҳотларга ишончини йўқотиши мумкин. У ҳолда уларнинг ишдан қўли совиб, ҳафсаласи пир бўлиб қолиши табиий ҳолдир.

Демак, йўлимизда гов бўлиб турган мана шундай ўтакетган бюрократларни, бугунги сиёсатни англамасдан, ўз шахсий манфаати билангина юрган раҳбарларни уйғотмасак, онгини, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартирмасак, лозим бўлса, алмаштирмасак, биз ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришолмаймиз. Бу — аниқ гап, буни ошкора айтишимиз ва бу йўлда азму шижоат билан аниқ фаолият олиб боришимиз шарт.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи халқимизнинг ижтимоий аҳволини, уларнинг ичимлик суви ва газ билан таъминотини баҳоласак, жуда ачинарли хулосаларга дуч келиш мумкин.

Бука, Пискент, Оққўрғон туманларида газлаштириш бор йўғи 20-25 фоизни ташкил қилади. Ангрен шаҳри эса табиий газ билан яхши таъминланмаганлиги, Бустонлиқ, Қўйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Зангиота туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги наҳотки бу жойларда йўлбошчи бўлиб юрган раҳбарларни ташвишга солмаса?!

Билмадим, бугун шу залда ўтирган ҳокимлар қишлоқларда яшаётган одамларнинг аҳволини шу нуқтаи назардан баҳолайдими-йўқми? Вазиятнинг масъулиятини, унинг оқибатларини англайдими? Англайдиган бўлса, ўз сайловчиларининг юзига қандай қарайди? Берган ваъдаларининг устидан чиқолмайдиган депутатлар, аввалгидек, ҳокимлар эртага қай аҳволда қолишларини сезадими-йўқми?

Куни кеча бўлиб ўтган сайловларда айрим туманларнинг ҳокимлари ҳатто туман кенгаши депутатлигига ҳам сайлана олмай қолганликлари барча каттаю кичик раҳбарларимизнинг кўзини очиши, уларни ҳушёрликка даъват этиши лозим. Энди ёлғонёшиқ ваъдалар билан одамларни алдаб бўлмайди. Ким бўлишимиздан, қандай юксак лавозимни эгаллаганлигимиздан қатъий назар, эртага кўпчилик олдида, халқ олдида жавоб беришимиз, ҳисоб беришимиз муқаррар эканлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника аҳволини мустаҳкамлаш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлигини афсус билан қайд этиш зарур. Бир қанча хўжаликларнинг молиявий шароити оғир ҳолатда экани айниқса ачинарлидир.

Банкларнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Илгарилари савдо-таъминот соҳасида ишлаётганлар орасида нопок кимсалар бор, деган фикр мавжуд бўлса, бугун уз хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиганлар асосан банк муассасаларида жойлашган, десак, хато бўлмайди. Бу соҳани тез кунларда тозалаш, мустаҳкам тартиб ўрнатиш, ишни янги услубда ташкил қилишга ўтиш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифамиздир.

Вилоятда вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва осойишталикни, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмаганлиги туфайли 1994 йилнинг ўн бир ойлик маълумотларига қараганда қасддан одам ўлдириш, порахўрлик ва таъмагирлик каби жиноят турлари кўпаймоқда. Аҳвол шу даражага етиб борганки, ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари орасида жиноятга қўл урганлари ҳам йўқ эмас. Ахир қонун ҳимоячиларининг ўзлари қонунбузарлик билан шуғулланса, оддий фуқаролардан нимани талаб қилишимиз мумкин?

Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири авваламбор кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқдир. Бугунги тўғиш даврида бу муаммо энг мураккаб, энг оғир масалага айланиб қолиши кўпчиликка маълум. Бу муаммони тўғри ечишга эриша олсак, халқ ғамини, ташвишини ўз дардидай ҳис қиладиган, ишбилармон, тадбиркор, билимдон, инсофли, диёнатли, элим деб, юртим деб ёниб турган одамларни жой-жойига қўйиш масаласини ҳал эта олсак, аминманки, ишларимиз доимо бароридан келади, зафар ва омадлар ёр бўлади.

Бугунги кунда эски тизим янги, эркин тизимга ўз жойини бўшатиб бераётган бир пайтда — бу масала энг муҳим, ҳал қилувчи вазифага айланмоқда.

Бугун муҳокама этаётган масалаларимизнинг негизида кадрни тўғри танлаш, масъулиятли лавозимга муносиб раҳбарларни тайинлаш масаласи бор. Нега деганда ҳисобот даврида йўл қўйилган кўпгина хато ва камчиликлар замирида танланган раҳбарларнинг ҳақиқий раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаганлиги, бугунги замон талабларига жавоб беролмаганлиги ётибди. Шу маънода Тошкент вилоятининг ҳокимини тайинлаётганида хатоликка йўл қўйилгани бугун аниқ. Буни очиқ тан олишимиз лозим. Мирзамурод Икромов тайинланаётган, сайланаётган пайтда биз холис ният, катта умид билан, уни ёш мутахассис раҳбар сифатида, Урта Чирчиқ туманидаги меҳнат фаолиятида ҳам ўзини иши билан кўрсатганини инобатга олган эдик. Кўпгина номзодлар орасидан у кишини ажратиб олган эдик. Лекин, минг афсуски, Мирзамурод Икромов билдирилган ишончни ўз фаолияти билан оқлай олмади.

Яхши биласизлар, юртимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят дейсизми, ўзига хос бир файзи бор. Оллоҳ таолонинг шу юртга ато этган марҳаматлари, берган неъматлари ҳам мана шу файз-бараканинг ифодаси деб биламан. Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файз-бараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур англаши, кўз қорачиғидай асраб-авайлаши лозим. Ўзининг пок орзу-ниятлари билан, соф ва холисона ҳаракатлари билан эл-юртнинг ишончини қозониши ва мустаҳкамлаши даркор.

Афсуски, шундай вазият Мирзамурод Икромов раҳбарликка келиши билан Тошкент вилоятида мавжуд бўлмади.

Ҳар қайси раҳбар ўз фаолиятини авваламбор одамларнинг бошини қовуштириш, бирлаштиришдан, аҳиллик ва тотувликни қарор топтиришдан бошлаши керак. Атрофида ишлаётган фаолларга иши билан ибрат бўлиб, уларни изидан эргаштира олиши зарур. Икромовнинг раҳбарлик фаолияти кадрларни бошқаришдан эмас, уларга қарши кураштан бошланди. У ишни кўпчиликни ўзига қарама-қарши қўйиб, муҳитни бузишдан бошлади. Албатта, ишда талабчанлик, қатиққўллик керак. Қаттиққўлликни ҳам одамлар тўғри тушунади, агар қаттиққўллик адолатга, одамларни ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ҳар қандай инсон ҳам буни тан олади.

Ҳар қайси раҳбар — аввалгидек инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир. Афсуски, Икромов бундай хусусиятлардан катта лавозим эгаси бўлганида ҳам қутула олмади.

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақаттина олижаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмоқчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоқлари, аччиқ тажрибалари билан уни кўп нарсага ўргатиши мумкин. Йил давомида Икромов кўп марта огоҳлантирилди, лекин бундан хулоса чиқармади.

Ориятли, мард одам бундай пайтда албатта тегишли хулоса, сабоқ чиқаради, ишини, фаолиятини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Мана шундай аччиқ ҳақиқатни инобатга олган ҳолда, Икромовнинг ўзи вазиятни англаб, вилоят ҳокимлиги лавозимидан озод қилишни сўраб ариза берди. Ўйлайманки, Икромовнинг аризасини қондириш керак.

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар:

— *кенгаш*

— *маслаҳату машварат*

— *қатъий қарор*

— *тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.*

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб ўқидирди соҳибқирон бобомиз.

Истар эдимки, Тошкент вилоятининг бугунги сайланадиган янги ҳокими, шу залда ўтирган барча катта-кичик раҳбарлар шу доно ўгитларга оғишмай амал қилсак, уларни ўз фаолиятимизнинг асосий дастуруламали деб билсак, фарзандларимиз камолини ўйлаб, уларга улуғ ва озод Ватанни мерос қилиб қолдириш орзуси билан яшаб-меҳнат қилсак, иншооллоҳ, Тангри ҳам, буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳам бизни ҳамиша қуллаб-қувватлайди, эзгу мақсадларимизга етказади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири ўз касбининг усталари бўлган кадрларни кўпайтиришдир. Албатта, бундай малакали кадрларни олий мактабгина тайёрлай олади. Буни Гулистондаги Ғафур Ғулом номли давлат университети жамоаси ҳам яхши билади. Кейинги вақтларда бу ерда янги факультетлар очилди. Уларда бозор муносабатларини шакллантиришда хизмат қиладиган мутахассислар тайёрланади. Маркетинг ва бошқарув, бухгалтерлик ҳисоби ва аудиторлик шулар жумласидандир.

СУРАТДА: профессор Илгизар Аҳметов биология бўйича машғулот ўтказмоқда.

Б. ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚУВОНЧЛАРИ ЧЕКСИЗ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туман партия кенгашида ҳудудий партия ташкилотлари сони ортиб боряпти. ХДПга ўқитувчилар, боғча тарбиячилари, маориф ходимлари аъзо бўлмоқдалар. Бугунги кунда ҳудудий партия ташкилотларида 300 дан ортиқ аъзо бор.

Яқинда Дилдора Мирзажонова ва Салима Пўлатовалар ҳам ХДПга аъзо бўлишди. Икки болажон дугона тарбиячилик касбини севишади. Шу туфайли улар ўзлари вояга етган 17-болалар боғчасида тарбиячилик қилишмоқда. Ишчан, хушмуомала дугоналар фаолиятидан ҳамкасблари мамнун.

Дилдора ва Салимахон ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, 25 декабрда Олий Мажлис ва Маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда илк бор қатнашдилар. Унутилмас воқеалар улар ҳаётида ёркин из қолдириб, уларни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват этяпти.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

Оналарга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан ҳеч ким нолимаса керак, деб ўйлайман. Бола туғилишга қадар ва туғилгандан кейин онага бериладиган таътил ҳамда имтиёзлар, моддий ва тиббий ёрдам тадбирлар қуламини ҳамма кўриб турипти. Бу ғамхўрликларни тўлиқ эътироф қилган ҳолда шу мавзу юзасидан ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни, таклифларимни қисқача баён қилмоқчиман.

Ибн Синонинг ҳузурига ёш ота-она келишиб, «Боламиз туғилганига тўққиз кун тўлди. Уни тўғри тарбиялашимизга маслаҳат беринг», дейишади. Шунда ҳаким, «бу маслаҳатни мендан тўққиз ойу тўққиз кун кечикиб

СОҒЛОМ ОИЛА -- СОҒЛОМ ДАВЛАТ

сураётганларингга афсуслананман», деб жавоб қилган экан.

Аллома нима демоқчи бўлганини тавсиф қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Мен фақат ибн Синонинг таълимига ўз кузатувларимни боғлашга уринган бир мутахассис сифатида шундай дейман: авлоднинг баркамоллиги онанинг ҳомиладорлик давридан бошланади. Ҳомиласи етти ойни тўлдиргунга қадар цехдами, идорадами ё даладами меҳнат қилаётган онанинг фақат ўзи чарчамайди. Унга қўшилиб ҳомиласи ҳам толиқади, чарчайди, асабийлашади. Бу чарчоқ ҳали жуда нозик, жуда таъсирчан, эндигина шаклланаётган вужудга бир умрга татигулик асорат қолдириши мумкин.

Шу фикрдан келиб чиқиб мен онага бола туғилгунча бериладиган таътил муддатини ваколатли идоралар кўриб чиқишса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб биламан. Бу муддатни лоақал бола туғилгандан кейинги онага бериладиган таътил ҳисобига чўзиш керак. Масалан, бола туғилгандан кейинги таътил бир ярим йил. Ана шунинг олти ойини бола туғилгунга қадар бўлган муддатга кўчирган маъқул. Ахир бола, кўплар ўйлагандек, бир ярим — икки ёшидан эмас, ҳаётга она қорнидалигидан қадам ташлай бошлайди. Ва кейинги қадамлари, табиийки, унинг уша илк қадамларига боғлиқ бўлади.

Қодир АБДИСОАТОВ,
даволовчи врач. Қумқўрғон тумани.

Мавзуга қайтиб

МАФКУРА -- ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

Газетамизнинг 1994 йил 6 сентябрь сонида «Жамият мафкурасиз бўлмайди» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Албатта, бир-икки мақола, дарслик ёки рисола доирасида миллий истиқлол мафкурасидек кенг мавзуни тўлиқ қамраб олиш қийин. Қолаверса, истиқлол мафкураси илгариги идеологиялардан фарқли ўлароқ, қотиб қолган — догма эмас, балки доимий тадриждда, ижодий ўсувчан ижтимоий ҳодисадир. Таҳририят ана шу мулоҳазалар қаторида таниқли олим Аҳмад Алиевнинг шу мавзудаги мақоласини эълон қилишни лозим, деб топди.

ЎзФА мухбир аъзоси, атоқли иқтисодчи олим М. Шарифхўжаев ҳамда фалсафа фанлари доктори Н. Маматов ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси» ўқув дастурини 1994 йилда «Ўқитувчи» нашриёти чоп этди. Ўқув дастури муаллифлари истиқлол мафкурасининг предметини яратиб, уни ёшларга ўқитишнинг турли услубларини ҳам тавсия этганларки, буни ижтимоий фанлар соҳасида ўзига хос янгилик дейиш мумкин. Илгариги марксизм назариясидан фарқли ўлароқ, истиқлол мафкураси жамиятни синфларга бўлиб бирбирига қарши қўймайди, бирини иккинчисига гўрков қилиб тайинламайди. Буни Н. Маматов тўғри шарҳлаб берган. Зотан, жамиятнинг, маданият, санъат ва адабиётнинг синфийлиги ҳақидаги таълимот бизга нақадар фожиалар келтиргани сир эмас. Талабаларга истиқлол моҳияти ва унинг ҳозирги шаклланиш жараёни, келажаги ҳақида изчил, батартиб маълумот бериб борилиши лозим.

Дастурда истиқлолимиз мафкурасининг асосчиси юртбошимиз Ислом Каримов эканлиги тўғри изоҳлаб берилади. Зотан, Президентимиз 1993 йилда ёзувчилар билан учрашиб, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш аввало ёзувчилар иши эканини таъкидлади. Бугина эмас. Президентнинг иқтисод, сиёсат, улар ўртасидаги муносабат, қишлоқ, шаҳар, фан, техника, тарих, миллий қадриятлар, анъаналар, хуллас тараққиёт учун зарур қатор масалалар юзасидан муттасил чиқишлари, фикр-мулоҳазалари истиқлол мафкурасининг яратилишида илмий-назарий замин бўлди. Дастур муаллифлари бу жиҳатни тўғри шарҳлайдилар. «Мафкурамиз мазмуни, — дейилади дастурда, — янгича, эркин фикрлайдиган, мутеълик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи инсонни тарбиялаш»ни бош мақсад қилиб олади...

Дастурда истиқлол мафкурасида этилиши демократик-ҳуқуқий дунёқараш, мумтоз ва ҳозирги адабиёт, санъат масалаларига муносабат, эркин шахс, унинг имон-эътиқоди, зиёлиликни шакллантириш, миллий маданиятимизнинг умумжаҳон маданияти билан узвийлиги сингари қатор масалалар ҳақида талабаларга маълумот бериш дастурнинг, асосини ташкил этади. Миллий мафкуранинг тарихий илдизларини изоҳлаш қисмида энг қадимий даврдан XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларигача Марказий Осиёда мавжуд ижтимоий-фалсафий фикрларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Бу жуда катта мавзу. Шу ўринда фақат жадидчилик мафкураси ва унинг бугунги аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталмоқчимиз. Жадидчилик асосан XX аср бошларида шаклланиб, 10-йилларда ўз чўққисига кўтарилди. Туркия, Эрон, Россиянинг мусулмонлар яшайдиган ерлари ва бизнинг Туркистонда бу оқим мустамлакачиликка қарши миллий мустақиллик учун кураш заминида шакланди. Ҳаётни маърифат заминида, босқичма-босқич, тинч йўл билан демократлаштириш асосида, бутун жаҳон билан савдо, илмий, маданий муносабатлар ўрнатиб ривожланиш, давлатни парламентчилик тартиби асосида бошқариш, матбуот, сўз эркинлигига эришиш каби талай масалаларни кўтариб чиқди.

Тарихда шахснинг роли, бизда турли миллат вакилларига тенг қараш, шахсда зиёлиликни ривожлантириш каби ўта муҳим масалаларга ҳам дастурда катта аҳамият берилади. Бизга етмиш йил мобайнида тарихни халқ яратади деб ўргатишган. Бироқ бу нисбий тушунча эканлиги бугунги кунда маълум бўлиб қолмаяптими? Амир Темур қудратли давлат тузган эди. Унинг вафотидан кейин Мовароуннаҳрда бир бутун давлат қулаб, майда хонликларга бўлиниб кетди. Булар ўртасидаги ziддият XIX асрнинг ўрталарига келиб Туркистонни чор Россияси томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Қизил империя мустамлакачилиги эса илгаридан ўн ҳисса ошиб кетди. Борингки, орадан 150 йил ўтди. Бутун тақдиримизни халқ эмас, шахслар ҳал қилиб келмадими?! Бир ярим аср мобайнидаги қарамликда бошимиздан нелар кечмади?! Тўғри, бу билан халқнинг тарихдаги ролини заррача камситмоқчи эмасмиз, аммо майдонга масалани етакчи шахс қўяди, халқ амалга оширади. Шу жиҳатдан истиқлол мафкурасининг асосчиси шахс сифатида Ислом Каримов бўлиб қолади.

Истиқлол мафкурасидаги миллатлар тенглиги хусусида: Россия ҳукумат раҳбарлари рус журналистлари бир қанча вақтдан буён Россиядан четда яшаётган русларга икки мамлакат фуқаролигини беришни талаб қилишмоқда. Бу қараш бир миллатни иккинчисидан устун қўйишдан бошқа нарса эмаслигини Ислом Каримов бир неча марта таъкидлаб ўтгани маълум. Шундай қалтис вазиятда бизнинг миллий мафкурамиз барча миллатларни тенг ҳурмат қилишдек ҳақиқий байналмилалчилик ғояларини олга сурмоқдаки, дастурда бунга алоҳида ўрин берилади... Шахсда зиёлиликни ривожлантириш айниқса муҳимдир. Дастурнинг шу моддасини янада кенгайтириш лозим. Зотан, ҳаётимизда руй бераётган тартиббузарлик, ўғрилик, порахўрлик, хиёнату жиноятлар ҳамаси зиёлилик етишмаган кимсалар томонидан содир этилмоқда. Маълумоти юқорилиги ҳақида бир неча ҳужжати бор кимсанинг нопоклигидан оддий кетмончининг поклиги, имон-эътиқодлилиги нақадар ортиқ туришини ҳаётда учратиш мумкинку!

Энди икки оғиз демократик дунёқараш шакллантириш ҳақида. Дастурда бунга ҳам катта ўрин берилган. Эсда тутиш лозимки, кейинги пайтда демократияни суиистеъмол қилувчилар кўпайиб қолди. Демократия асли зиёлилик билан боғлиқ тушунча. Ҳар қулай фурсатдан фойдаланиб, ўз шахсий манфаати учун юлғичлик қилиш демократияга хизмат қилмайди. Демократия юқори даражадаги онг-лиликни, имон-инсофли, эътиқодли бўлишни талаб қилади. Бир ўринда «Тарихнинг, ижтимоий-миллий қадриятларнинг муаллифи халқ» дейилади. Бизнингча «муаллифи» ўрнига «манбаи» дейилса тўғри бўларди.

Истиқлол мафкураси ўқув дастурида кўтарилган масалалар ва уларни талабаларга ўқитиш юзасидан муаллифлар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни асосан бажарганлар.

Аҳмад АЛИЕВ.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАВЛАТ КОТИБИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Қирғизистон Республикаси пойтахти ҳокими Жумабек Иброҳимов мамлакат Президентининг Давлат котиби этиб тайинланди.

Жумабек Иброҳимов 50 ёшда, деҳқон оиласида туғилган. Фрунзе политехника институтини тугатиб ўқитувчи, муҳандис, завод директори вазифаларида ишлаб келган. 1993 йили у Бишкек шаҳар ҳокими этиб тайинланган эди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тожикистон Фанлар академиясида Амударё экологиясига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг эколог олимлари, Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва илмий жамоалар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Амударёнинг юқори қисмидаги табиий заҳиралардан омилкорлик билан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, суғориладиган ерларни тубдан яхшилаш ва сув заҳираларидан тежаб фойдаланиш ҳақидаги маърузалар тингланди.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

АШГАБАД. 10 январда Туркманистонда аҳолини рўйхатга олиш бошланди.

Рўйхатга олиш комиссиясининг раиси этиб тайинланган Бош вазир ўринбосари В. Отчерцовнинг фикрича, бу тадбир натижалари мамлакатдаги демография вазиятини ойдинлаштиради, жамиятни муваффақият билан ислоҳ қилиш учун истиқболни тўғри белгилаш имкониятини яратади.

НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ КУРАШДА КЎМАК

БИШКЕК. БМТ наркобизнес билан курашда Қирғизистонга ёрдам бермоқда. Яқинда БМТнинг халқаро ёрдами сифатида республикага таркибида наркотик моддалар мавжуд бўлган хом ашё ва препаратларни кимёвий тадқиқ қиладиган энг замонавий ускуналар, материаллар келтирилди.

Бундан буён Қирғизистон ҳуқуқ-тартибот органларининг наркотик моддалар ҳақидаги хулосаси дунёдаги барча давлатлар судлари томонидан тан олинадиган бўлди.

ТЕҲРОНДА ЭЛЧИХОНА ОЧИШ НИЯТИДА

Тожикистон Эронни тожик мухолифатчилари билан шу йил январь ойининг ўрталарида Москвада ўтказиш режалаштирилган музокараларнинг тўртинчи босқичи амалга ошишида кўмаклашишга даъват қилди. Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Маҳмуд Воизий тожикистонлик ҳамкасби Эркин Раҳматуллаевнинг шу ҳақида илтимос қилганини таъкидлади. Э. Раҳматуллаев ва М. Воизийнинг учрашуви чоғида тожикистонлик дипломат ўз мамлакатининг Теҳронда элчихона очиш ниятида эканини баён қилди. (Айни пайтгача Эрон пойтахтида тожик мухолифатчи кучларининг ваколатхонаси мавжуд холос). Тожикистон ташқи сиёсат маҳкамаси вакили Теҳрон-Душанбе ҳаво йўлини очиш ва икки мамлакат делегацияларининг борди-келдиларини йўлга қўйишни ёқлаб гапирди.

Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.

Хотира

БИЛАК ИЛА БИТМАГАН, БИЛИМ БИЛАН БИТАР

Қуш уясида қурганини қилади, деган мақол ҳаётда кўп марта ўз тасдиғини топган. Саодат ҳам деҳқон фарзанди эмасми, ўзи униб-усган жойни, бепоён далаларни эслаганида юраги орзиқар, Тошкентдек шаҳри азим ҳам кўзига торайиб кетарди. Начора, бу ерда у айрим ёшлардек кунини ўтказиш учун эмас, жилла қурса бободеҳқоннинг юкини енгил қилиш ниятида «игна билан қудуқ қазишга» киришган эди. Бу эзгу ният Урта Осиё пахтачилик институтида таҳсил олаётганда ҳам, уни битиргач, Узбекистон пахтачилик илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатаётганда ҳам унга тинчлик бермади. Ўз даврининг етук олими деб тан олинган А. Автономовга шогирд тушганида ва фан номзоди илмий даражасини олганида ҳам пахтакорлар оғирини енгил қилиш, пахтачиликда тўпланиб қолган муаммоларни ечишга улуш қўшиш ҳисси билан яшади. Унинг наздида пахтачилик шундай соҳа эдики, у учун бутун умрини бахшида этиш ҳам камлик қиларди. Миср ғўзасининг хўжалик белгилари, хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш билан ўтган дастлабки йиллар унга фан номзодлиги даражасини инъом этди. «Узбекистонда Иттифоқ-Миср пахтаси» илмий асари чоп қилинди. Эндиги вазифа — Узбекистон дунёдаги пахта етиштирувчи мамлакатлар орасида энг шимолий минтақада бўлганлиги сабабли экин ҳосилдорлигини таъминлаш ва айни замонда турли касалликларга чалинишига қарши курашиш йўллари сингари долзарб муаммоларни ечишдан иборат эди. Бироқ уруш... ёш олимни ҳам четлаб ўтмади. Бир неча ой жанговар сафда душман ҳужумларини қайтаришда қатнашиб, оғир жароҳат олди. Тақдир экан — яна Ватанига қайтиб, чала қолган ишларини давом эттирди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигида масъул лавозимда ишлаётганидан фойдаланиб, республика миқёсида пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қобиғига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилди. Унда зоҳир бўлган салоҳият илмий жамоатчилик диққатини тортмаслиги мумкин эмасди. Узбекистон ФА Усимликлар генетикаси ва физиологияси институтига раҳбарлик қилиш унга ишониб топширилганлиги ҳам юқоридаги фикрнинг далили.

— Олим қаерда ва қайси лавозимда фаолият кўрсатмасин, энг аввало инсонийлик хислатлари биланжамоа меҳрини қозонарди, — дейди Узбекистон ФА мухбир аъзоси, «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси генетика ва селекция бўлими бошлиги Абдумавлон Абдуллаев,—у масъул раҳбарлик лавозимларида ишлаганида ҳам лабораторияда илмий тадқиқот ишлари билан машғул бўлишга албатта, вақт топарди.

Изланишлари эса доим самара билан якунланарди. Паст ҳароратга чидамли, тезпишар ундан зиёд пахта навлари шу тариқа яратилганди.

70-йилларда вилт касаллиги ғўзага қирон келтираётган пайтда Саодат Содиқовнинг иқтидорли шогирди Содиқ Мирахмедов вилтга чидамли машҳур «Тошкент» навини яратди. Вақт ўтган сари у ҳам касалликка чалина бошлади. Хўш, нима қилиш керак? Шу аснода устоз олдида бу касалликка бардош берувчи яна янги навларни яратиш зарурми ёки районлаштирилган навлардан бардошлилиги кучлиларини ажратиб олиш керакми, деган жумбоқ кундаланг турарди. Шундай қилиб, домла бошчилигида «Тошкент—3» нави орасидан кўп йиллик танлаш натижасида «Боёвут—2» нави яратилди. Ерга ҳам, деҳқонга ҳам манзур бўлган бу навнинг бошқалардан фарқи шунда эдики, у шўрга ўта чидамли, тезпишар, машинабоп, ҳосилнинг 70—80 фоизи биринчи нав талабларига жавоб берарди. Усимлик касалликка чалинса ҳам бардошлилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли керакли ҳосилни тўплаб олади, тезпишарлиги эса тола сифатининг пасаймаслигини таъминлайди. Фақат 1994 йилдагина мазкур нав республика бўйича 220 минг гектар майдонда парвариш қилинганининг ўзиёқ унга, унинг ижодкорларига берилган холис баҳодир!

Фан доктори, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Саодат ака Содиқовнинг кўп қиррали илмий изланишлари натижасида Узбекистон ФА Усимликлар эксперименталь биологияси институтида цитоэмбриология, радиобиология, анатомия ва морфология, вилтга чидамлилик генетикаси, мустагенез, толанинг ривожланиш биологияси каби лабораториялар пайдо бўлди. Унинг ўнлаб шогирдлари орасида Фанлар академияси мухбир-аъзолари ҳам бор. Улар айни пайтда фанимиз таянчидирлар. Унинг мазкур соҳадаги маърузалари Москва, Канада, Голландия сингари мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда юқори баҳоланди. «Ғўзанинг ҳосилдорлиги ва тезпишарлигини ошириш» деб номланган йирик монография, рисолалар ва 200 дан ортиқ мақолалар олимнинг номи билан боғлиқ. Биология фанига қўшган катта ҳиссаси учун икки марта Меҳнат Қизил Байроқ, Шуҳрат орденлари, кўпгина медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Қарийб 30 йил Узбекистон Генетиклари ва селекциячилари жамияти президенти бўлди. Ўтган йилдан бошлаб эса, ана шу жамиятнинг фахрий президенти эди. Саодат ака Содиқов бир неча кун аввал ҳаёт билан видолашмаганида, ҳозир 85 ёшни қаршилаб турган бўлар эди. Аллоҳ унинг охиратини обод қилган бўлсин.

Мирадҳам АБЗАЛОВ,
Узбекистон ФА «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси амалий генетика лабораторияси мудири.
Абдунаби МАННОПОВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот одимлари

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

«Меҳнатобод»да, қолаверса Ургутда пахта экилмайди. Бу ерда мева-сабзавот, тамаки етиштириш, қўйингки, зироатчиликнинг бошқа барча турлари ривожланган. Йилнинг тўрт фаслида ҳам тоғларида қор тургувчи ҳудудлардан бири. Шунинг учунми заминнинг тупроғи ҳосилдир.

Бу юртнинг ҳар қадамида бир хайрли иш — элим, юртим деб ёниб юрган кишиларнинг амалга ошираётган юмушларини кўриб завқланасиз.

— Одамларимиз қай бир ишга жазм қилмасинлар, аввало эл-улусга наф келтиришни ўйлайдилар, — дейди Ургут тумани ҳокими Ўлмас Маҳматмуродов. — Кейинги йилларда ғаллачиликка ҳам жиддий эътибор берила бошланди. 1994 йилда 12 минг тоннага яқин сара дон етиштирилди. Бу хирмон аҳолимизнинг нонга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди, десак ҳам бўлади. Кузда экилган ғалла барча майдонларда бир текис кўкариб чиқди. Одамларимиз қишда ҳам енг шимариб ишламоқдалар. Яхшиси ўзингиз туманимизни бир айланиб кўринг.

Ерда қор бўлмаса-да, этни жунжитадиган аёз, изғирин. Баланд тоғларга «ёнбошлаган» осмон гўё қовоғини уярди. Далаларда кўм-кўк бўлиб мавжланиб қолган ғалла майсалари беозор чайқалади.

Ҳамроҳимиз — «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳасанбой Султонов. Сўзга чечан, ишнинг кўзини билгувчи киши. Унинг қилаётган барча ишларини бирма-бир санаб ўтирмайлик. Атиги бир мисол кифоя: «Меҳнатобод»нинг Ургутга, қолаверса, вилоятга тўй қилиб берганлиги хусусида гапирмоқчимиз. Ўтган йилнинг сентябри эди. Ҳасанбой аканинг елиб-югуришлари зое кетмади. Хўжаликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва заводининг биринчи навбати ишга тушди. Эрта-индин хўжаликда ойига 32 миллион дона гишт чиқарадиган завод, тўқув ва тикувчилик фабрикаси, тамакини қайта ишлаш ва қадоқлаш цехини ишга туширишмўлжалланаётган эди. Шунда туман ҳокими раиси ҳузурига чақириб, «Ҳасанбой, — дейди, — қанча иш қилиб юборибсизлар, эл-юртга бир тўй қилиб бермайсанми?!». Шундай бўлди ҳам. Эзгу ишларнинг дебочаси сифатида эл-юртга ош тортилди, оқсоқоллар дуо қилишди. Хуллас, «Меҳнатобод»да амалга оширилган барча ишларга тўй баҳона кўрганлар тан беришди.

Кўз илғамас далаларга суқланиб боқарканмиз, Ҳасанбой Султонов яна жимликни бузди.

— Инсон ва табиат, табиат ва инсон! Қанчалар бир-бирига сингиб кетган асрий тушунчалар, — деб гап бошлади. —Табиатдан нуқул олиш эмас, унга бериш ҳам керак. Унга меҳр, мурувват, охир-оқибатда шафқат ҳам керак. Ахир, биз ерга қарамасак, қандай қилиб 40—45 центнердан ғалла оламиз?

Жамоа хўжалигида бу йил ғаллачиликка эътибор кескин ўзгарибди. Ғалла майдонлари 500 гектарга, яъни икки бараварга кўпайтирилибди. Катта майдонни эгаллаган пайкаллардаги майсалар кўзни қувонтиради.

— Президентимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ўз вақтида чиқди-да. Биз энди шунча майдонга ғалла экиб ташладиккуя, чорва молларидан қандоқ қутиқлаймиз, деган ташвишда эдик, — дейди Ҳасанбой ака севинч билан.

Демак, ҳукуматимиз кўраётган чора-тадбирлар меҳнатсеварлик ғаллакор деҳқонларнинг ҳам дилидаги гап бўлибди. Мана шу билан деҳқон меҳнатига муносабат, эътибор ўзгармоқда экан. Бу йил ғалла ҳосили мўл бўлишидан дарак бермоқда.

Ахир, асримиз бошларида ҳам деҳқонларимиз етиштираётган ғалла экинлари ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки бир қисми хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилингани ҳеч кимга сир эмаску! Жумладан, Италия, Австрия мамлакатларида бизда етиштирилган аъло навли буғдойга эҳтиёж юқори бўлган. Маълумотларга кўра, Россия императори Николай Іининг ўз саройида истеъмол қилган буғдой уни ҳам ҳудудимизда етиштирилган экан.

«Меҳнатобод»да ободонлаштириш: қурилиш, саноат, халқ таълими, маданият, қўйингки, ҳамма-ҳамма соҳада ижобий силжишлар борлигини ўз кўзимиз билан кўрган бўлсак-да, раисдан тагин камчиликларни сўраймиз. Раис Ҳасанбой Султонов камчиликларимиз ҳам бор, деб гап бошлайди. Хўжалигимиз ҳудудидан «Муборак — Сирдарё» катта газ қувури ўтган. Лекин мутахассислар, бу қувурдан оқаётган газ Сирдарёда қайта ишланади, шу боисдан аҳоли истеъмоли учун газни тўғридан-тўғри ишлатиш мумкинмас, дейишмоқда. Хуллас, бу муаммони ҳам яқин орада бартараф этамиз.

Биз мазкур хўжаликдан қайтар эканмиз, бир-биридан қолишмайдиган баланд, кўркам ҳовли жойларга тикиламиз. Тикиламизу, ҳудога шукр, осойишталик оғушида юртимизда меҳнатдан келган бойликнинг ва унинг қут баракасининг шу қадар ҳузурбахшлигини сезгандек бўлдик. Ахир, меҳнат қилган юрт жаҳонга юз тутади. Демак, қуёш фарзанди Ўзбекистонимизнинг жаҳонга тобора юз тутиб танилишида шу элнинг, меҳнаткаш фарзандларнинг ҳам улушлари бор, деган ишонч уйғонди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги раиси Ҳасанбой Султонов мутахассис Шохоб Жабборов билан ғаллазорда.

Муаллиф олган сурат.

МИНГ ХИЛ ЭҲТИЁЖ МОЛЛАРИ ДЎКОНИ

Андижон. (мухбиримиздан). Андижон туманида очилган минг хил эҳтиёж моллари дўкони Ирригатор шаҳарчасида яшовчи аҳолига қулайлик яратди. Илгари бирорта ҳам савдо шаҳобчасига эга бўлмаган шаҳарча янги дўкон туфайли анча гавжумлашиб қолди.

«Андижон» махсус ҳиссадорлик жамиятига қарашли мазкур тармоқда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган мингга яқин хилма-хил товарлар пештахтага чиқарилмоқда. 20 нафар сотувчи харидорларга беминнат хизмат кўрсатяпти. Бу ерда аҳоли учун қатор қулайликлар мавжуд. Харидор қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тортиб, саноат моллариигача шу ердан топиши, хорижнинг яхши қадоқланган маҳсулотларини сотиб олиши мумкин.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

АҲОЛИ МАМНУН

Қашқадарё. (мухбиримиздан). Шаҳрисабз туманидаги «Наврўз» жамоа ширкат хўжалигига қарашли Қолмон ва Қаъни қишлоқлари аҳолиси хонадонларида «зангори олов» ёна бошлади.

Республика Президентининг Фармонларини амалга ошира бориб, хўжалик раҳбарлари ҳаракати билан 23 километр жойга газ қувурлари тортилди. Ҳозир 660 хонадон табиий газдан фойдаланмоқда. Бу ишга 660 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундан ташқари Улож ва Бўзариқ қишлоқларини ҳам газлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Хўжаликда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳам катта эътибор бериляпти. Шу мақсадда Мироқи қўрғонидан Бўзариқ қишлоғигача сув узатадиган қувурлар ётқизилди. Тиндириш ва тозалаш иншооти қуриб битирилгач, бошқа қишлоқларга ҳам тоза ичимлик суви етказиб берилади.

Юнус УЗОҚОВ

Тақдир сўқмоқларида

ПОЛКОВНИКНИНГ ҚИСМАТИ

Қонунга кўра, одил суд ҳукми эълон қилинмасдан туриб кишилар шаънини таҳқирлаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Лекин халқда айтилганидек, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Кўз чиқаришни одат қилган Т. Гдлян гуруҳи ҳам «жиноятчиликка ўт очаман» деб кўпгина гуноҳсиз кишиларни жиноятчига айлантириб қўйди. «Бирники мингга, мингники туманга» деганларидек, айбни биров қилиб, ноҳақ жабрни кўпчилик тортди. Қанчадан-қанча айбсиз кишилар қамоқхоналарда, тергов ҳужраларида йиллаб сабабсиз сақланди, турли азобларга, қийноқларга гирифтор қилинди.

Гдлянча тергов усули оддий бўлса-да, лекин у ўзига одамларни гўё ўргимчак тўрига тушган ҳашаротлардек тортарди. Унинг мақсади — аввал шахсни қандай бўлмасин айбига иқрор қилдириш, кейин гувоҳларни ёллаш, уларни ўз ҳохишларига кўра ариза билан мурожаат этишга мажбур қилиш эди. Қаранг, пора берганидан сўнг орадан йиллар ўтиб кетгану, гувоҳ энди ўз ҳохишига кўра ариза билан мурожаат қилаётган эмиш. Яна кимга, қаерга денг? Худди шу Гдлян бошлиқ тергов гуруҳига. Нима сабабдан мурожаат қилишяпти? У бундай гувоҳларнинг ишидан ишкал топган. Уларни устиларингдан жиноий иш қўзғатаман, жавобгар қилдираман, деб қўрқитган. Гувоҳликка ўтсаларинг, жазодан қутулиб қоласанлар, дея ваъдани қуюқ қилган. Натижада кўплаб ёлланган гувоҳлар устидан қўзғатилган жиноят ишлари сабабсиз ҳаракатдан тўхтатилган. Катта камомад қилган дўкон, ошхона мудирлари, пора беришда воситачилик қилган субутсиз шахслар ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаган. Аслида Гдлянинг бу усули қонунга хилоф иш эди. Шундай бўлса-да, айрим маҳаллий қонун ҳимоячилари ҳам Гдлян билан Ивановнинг ногорасига ўйнадилар. Оқибатда Гдлян қатағони бошланди. Одамларнинг қонун устиворлигига бўлган ишончи сўнди.

Хайриятки, ўзбек халқи бошига тушган кулфатнинг олди олинди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ўз халқи шаънини мардларча туриб ҳимоя қилди. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши», «Рашидовчилик» дея тўқилган уйдирмаларга барҳам берилди. Бугунги кунга келиб ноҳақ айбланганлар оқланиб, яна эл олдида юзлари ёруғ бўлди, бўляпти.

Қўлимизда шундай ҳужжатлардан бири турибди:

«Тошкент шаҳар Якдил кўча, 10-уйда яшовчи Йўлдошев Р. И.га

Тошкент шаҳар судининг 1986 йил 7 майдаги Сизни ЎзРЖК 152-моддасининг 2-қисми билан айбли, деб топиб чиқарган ҳукми ва шу ҳукм юзасидан кейинчалик қабул қилинган барча суд қарорлари 1994 йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленумида назорат тартибида кўриб чиқилди.

Ҳаракатингизда жиноят таркиби (состави) бўлмаганлиги учун Сизга нисбатан чиқарилган ҳукм ва шу ҳукм юзасидан кейинчалик қабул қилинган барча суд қарорлари бекор қилинди, жиноят иши ҳаракатдан ётқизилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси У. Қ. Мингбоев (имзо).»

Хўш, Раҳматилла Йўлдошев ким эди? Нечун у бунчалик азоб чекди?

Раҳматилла Йўлдошев ўз ҳалол меҳнати ва хизмати эвазига оддий милиционерликдан то туман ички ишлар бўлими бошлиги даражасига кўтарилган милиция полковниги бўлган камтарин, камсуқум бир инсон эди. 27 йил эл осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қилди. Меҳнати муносиб тақдирланди. 1982 йилда нафақага чиқди. Давлат берган пенсиясини олиб, ўз болалари қучоғида яйраб-яшнаб юрган отахонни орадан уч йил ўттач, бирдан қамоққа олишди. Ҳамма ҳайрон, уйда қий-чув... Нега? Нега энди бир нафақахўр отахонни

шунча йилдан сўнг безовта қилиш кимга керак бўлиб қолди?..

— Сиз қилган ишларингизни биласизми? — деди терговчи кибру ҳаво билан.

Р. Йўлдошев «Ҳеч нимадан хабарим йўқ» дегандек елка қисди.

— Сиз Октябрь тумани ошхоналар трести хизматчилари М. Баҳодирхўжаев ва А. Абдувоҳитовлардан пора олгансиз.

— Бўлмаган гап, — тутоқиб кетди отахон. — Бунга ҳали асос керак...

— Керак бўлса асос топамиз, — деди терговчи совуққина қилиб. — Хўб топайликки...

Сўнг уни бошқа хонага олиб киришди. У ерда собиқ СССР Прокуратурасининг терговчиси Савиновских, тергов бўлими бошлиги Лаптев кутиб турган экан.

— Агар айбингга иқрор бўлмасанг, ўзингни ҳам, онла аъзоларингни ҳам қамоққа оламиз, — деди Савиновских. — Сени отувга ҳукм эттиришга ҳам кучимиз етади.

— Гувоҳлар эса бор, — қўшимча қилди Лаптев. — Уларнинг кўрсатмалари бизда. Сени битта қуруқ кўрсатма билан суд қилиш мумкин...

Улар соғлиги ёмонлашган, ошқозондаги яра ва буйрақдаги тош азобидан букилиб қолган отахонни шу тариқа анчагача маънавий эзишди, дўқ-пўписа қилишди, оила аъзоларингни ҳам қамоққа оламиз, деб қўрқитишди.

Ўзбек халқи болажон халқ эмасми?! Шундай пайтда кўзингга ўз жонинг эмас, албатта фарзандларинг кўринади. Уларнинг ҳар қандай жирканчликлардан тап тортмасликка истеъфодаги полковникнинг кўзи етиб турганди. Унинг бўшашганини сезган терговчи яна луқма ташлади:

— Агар айбингни бўйнингга олсанг, яхши шароит яратиб берамиз, бола-чақа, қариндош-уруғлар билан кўришишга рухсат этамиз...

— Ўша пайтда жуда қийналиб кетдим, — деб хотирлайди Р. Йўлдошев, — қийноқ ва азоблардан соғлигим тобора ёмонлашди. Охири терговчининг талабларига рози бўлдим, ўз-ўзимга туҳмат қилдим. Бу туҳмат эса қимматга тушди. Судда очигини айтаман, деб ўйлагандим. Бунинг ҳам иложи бўлмади. Чунки тергов охирида Савиновских, Логвинов, Гайданов ва Лаптевлар менга «Агар судда ўз кўрсатмаларингдан воз кечмасанг, сенга 10 йилдан кўп беришмайди, акс ҳолда отувга ҳукм қилинасан, суд залида бизнинг одамларимиз ўтиришади, дейишганди.

Уларга ишонмасликка асос йўқ эди. Чунки ўша пайтда кўплаб мансабдор шахсларни ўлим жазосига ҳукм қилинганликларини биларди. Шунинг учун судда ҳам ўз-ўзимга туҳмат қилиб, мажбурий кўрсатмаларимни тасдиқладим. Тошкент шаҳар судининг А. С. Овсенюк раислигидаги суд ҳайъати менинг жиноят ишимни кўриб чиқди ва 10 йил муддатга қамоқ жазоси берди.

Кейинчалик менга маълум бўлишича, М. Баҳодирхўжаев билан А. Абдувоҳитовларни ҳам жазо ўтаётган жойидан олиб келиб, уларни ашаддий жиноятчилар камерасига ташлашган, урган, қийнаган, терговда ман этилган усулларни қўллашган. Бизнинг айтганларни қилсаларинг, жиноий моддаларингни ўзгартириб, жазо муддатларингни қисқартириб берамиз, деб алдашган. Натижада улар менга нисбатан ёлғон кўрсатма беришга мажбур бўлганлар. Лекин уларнинг жазо муддатлари ўзгармаган...

Лекин етти йил умрим беҳуда қамоқда ўтди. Соғлигим йўқолди. Бироқ ҳақиқат юзага чиқди. Шу кунларга етганимга шукр. Давлатимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётганидан беҳад хурсандман...

Ҳа, одамлар бўладики, ўз халқи, Ватанига сидқидилдан хизмат қилишдан ўзларини бир умр бахтиёр ҳис этадилар. Бу хизмат ўзлари учун қанчалик машаққату қийинчиликларга, маломату бедорликларга, озору андуҳларга, қанчадан-қанча югур-югурларга тушаётганини зарра ҳам хаёлларига келтирмайдилар. Қайтага бу озорликдан, эл йўлида тортаётган жабру жафолардан яйраб ором оладилар. Ундайлар учун эл омон бўлса, Ватан омон бўлса бас. Раҳматилла Йўлдошев ҳам гарчи етти йил умри завол бўлса ҳам ўтаётган умри эл хизматида бўлган ана шундай фидойи инсонлардандир.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

«Ўзбекистон» республика фирма савдо бирлашмаси
«ОҚ ОЛТИН» САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛДИ
ЖАМИЯТ «Ўзбекистон» РФСБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
Манзили: Тошкент, Олмазор кўчаси, 67 а.

«ОҚ ОЛТИН» САВДО ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Оқ олтин» савдо ҳиссадорлик жамияти ўзининг омборларидан ва дўконларидан улгуржи ва чакана савдо йўли билан «Ўзбекенгилсаноат» корхоналарида ишлаб чиқарилган тайёр кийимлар, трикотаж, шойи газламалар, оёқ кийимлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга энг арзонлаштирилган нархда сотади.

Мулкка эгалик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларни, шахсий тадбиркорларни биз билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

«Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти дўконларининг манзиллари:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:
1-дўкон, Навоий кўчаси, 18. Тел: (код 3712) 41-23-61
2-дўкон, Чорсу майдони. 42-28-89
3-дўкон, Фарҳод ярмаркаси. 76-60-48
4-дўкон, Маҳсидўзлик, 4. 44-38-45
7-дўкон, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 4 аб. 45-53-60
17-дўкон, Навоий кўчаси, Савдо растаси. 44-60-73

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА:
8-дўкон, Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 27. Тел: (код 36222) 68-966
9-дўкон, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ кўчаси, 11. Тел: (код 36922) 37-438
10-дўкон, Чирчиқ шаҳри, 10-микрорайон, 3. Тел: (код 271) 20-738
11-дўкон, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 54 а. Тел: (код 37422) 54-364
13-дўкон, Кувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, КФЗ. Тел: (код 37337) 32-480
15-дўкон, Наманган шаҳри, Машраб кўчаси. Тел: (код 36922) 37-438
16-дўкон, Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси, 6-микрорайон. Тел: (код 37522) 44-496
18-дўкон, Ғиждувон шаҳри, Деҳқон бозори. Тел: (код 36557) 21-346
19-дўкон, Қўқон шаҳри, Афғонбоғ кўчаси. Тел: (код 43400) 25-301
20-дўкон, Қўқон шаҳри, А. Т. Хўқандий мавзеси. Тел: (код 43400) 36-152
21-дўкон, Жомбой шаҳри, Ғаллакапа кўчаси. Тел: (код 36647) 52-789

«ОҚ ОЛТИН» САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 67-а уй.
Тел: 44-53-57, 44-26-06.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХОРИЖ МАБЛАҒИ ЖАЛБ ЭТИЛДИ

БУДАПЕШТ. «Мадъяр хирадо» газетасининг хабар беришича 1994 йилда Венгрия иқтисодиётига 3,5-4 миллиард Америка доллари миқдорида хориж маблағи жалб этилган. Унинг 1,2 миллиарди сармоя сифатида киритилган ва қолган қисми кредитлардан иборатдир.

ВЬЕТНАМ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ НИЯТИДА

ХАНОЙ. Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Вьетнам ва Германия сиёсат ҳамда иқтисодиёт соҳасида муносабатларни мустаҳкамлашга келишиб олди.

Германия канцлери Ҳельмут Колнинг махсус вакиллари ўтган ҳафтада Вьетнамга ташриф буюрди. Ташриф чоғида имзоланган қўшма баёнотда икки мамлакат олий мартабали вакилларнинг сиёсий мулоқотларини кенгайтириш кўзда тутилган. Германия Вьетнам иқтисодиётининг тараққиётига ҳамда бу мамлакатнинг Европа Иттифоқи билан иқтисодий битим тузишига кўмаклашиш ниятида.

САРМОЯ САРФЛАШГА РУХСАТ БЕРДИ

ПХЕНЬЯН. КХДР Ташқи ишлар вазирлиги вакили Корея ҳукумати АҚШ маҳсулотлари импортини чеклаш ва Америка савдо кемаларининг мамлакат бандаргоҳларига киришини тақиқлаш ҳақидаги қарорини бекор қилишини билдирди.

КХДР ва АҚШ ўртасида ўтган йил октябрь ойида Женевада имзоланган битимда савдо-сотиқ ва сармоя сарфлаш борасидаги чеклаш ва тақиқлар бекор қилинишига келишиб олинган эди. Шу сабабли Америка ҳам январь ойининг учинчи ўн кунлигида КХДРга 50 минг тонна мазут етказиб беришга қарор қилди ҳамда АҚШ ишбилармонларининг Шимолий Корея иқтисодиётига сармоя киритишга рухсат берди.

ҚИЗИЛ ХОЧ ҚЎМИТАСИ КЎМАГИ

Халқаро Қизил хоч қўмитаси (ХҚХҚ) Чеченистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттирмоқда. Декабрь ойида мазкур қўмитанинг Чеченистондаги вакиллари 13 кишидан иборат эди. Яқин кунлар ичида уларнинг сони 15 нафарга етади, деб хабар берди ХҚ-ХҚнинг расмий вакили Пьер Готье.

Унинг сўзларига қараганда, инсонпарварлик ёрдамининг асосий қисми Назранга келтирилмоқда. 11 декабрдан буён бу ерга келтирилган турли хил дори-дармонлар 10 тоннани ташкил қилади.

БОЛТИҚБЎЙИГА РАСМИЙ ТАШРИФ

Европа Иттифоқи парламенти ассамблеясининг президенти Мигель Анхель Мартинес Ригага келди. У икки кун давомида Болтиқбўйи давлатлари раҳбарлари, сейм депутатлари, ташқи ишлар вазирлари ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

Мартинес Латвияни Европа Иттифоқи аъзолигига қабул қилишни бир неча бор қўллаб-қувватлаган эди. Январь охирида бўладиган ассамблея сессиясида ушбу масалани муҳокама қилиш кўзда тутилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Дил изҳори

ДАРДИМИЗ БИР, ЖИГАРБАНДЛАРИМ!

Аёл — ҳаётнинг пойдевори, уйнинг устуни, кўнгилнинг зийнати, табиатнинг ноёб неъмати, қолаверса, оиланинг ифтихоридир. Мен қуйида билдирмоққа жазм қилаётган мулоҳазалар хусусида кўп ўйладим. Юқорида айтаётган таърифларимни биз нечоғлик оқлаяпмиз?

Азизлар, беш қўл баравар бўлмаганидек, бизнинг аёлларимиз ҳам бир хил эмас. Уйда, кўчада, давраларда кенг жамоат ўртасида ўзларини тутишни билмай қолмоқдалар. Ўзбек қизу жувонларига қадим-қадимдан ҳаё, ибо, иффату илтифот, сабру қаноат энг олий, энг зарурий, ҳаттоки мажбурий фазилат бўлган. Минг афсуским, сўнгги йилларда бу олийжаноб хислатлар камайиб бораётган эди. Сабаби, назаримда, энг аввало баъзи оналар қизларининг келажагини ўйламай қўйганди. Қизлари яхши кийинса, яхши ўқиса, ёки рус тилини пухта билса, уст-боши тоза юрса, унча-мунча уй ишларини билса кифоядек эди. Демак, ўша қиз жуда ақлли, келажаги порлоқ, замонавий қиз саналарди. Чиндан ҳам шундай. Агар юзаки, бундан беш-ўн йил олдинги кўз билан қарасак, шу гаплар ўринли бўлган.

Энди-чи? Мустақилликка эришиб, ўзлигимизга қайтаётган, кимлигимизни англаётган пайтда бундай қарашлар эскириб, бошқа бир гуруҳ қизу жувонлар «назарга» тушиб қолмоқда. Булар бўхча-бўхча тугун-терсак кўтариб, чет эл-ларни «обод» қилаётган, ҳатто катта ёшларга бориб қолган келин-кеватли, уй-жойли аёллар. Билмадим, уларга нима етишмайди? Кўпларининг эгни бут, қорни тўқ, қўша-қўша машина, участка ва ҳоказолари бор. Тавба қилдим, ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас экан одамзоднинг. Яна денг, энг даҳшатлиси, шуларнинг эри — хўжайинимман, деб юрганларга менинг раҳмим келади. Қани улардаги эркаклик ғурури, шаъни, номуси, ори! Ё керак бўлса мол-дунёни эмас, ҳатто таналарини ҳам савдо қилаётганларини қандай баҳолаш мумкин? Шу тахлитда дунё топиб, аёл шаънини топтаб, ўғил-қиз ўстираётган, варанглатиб тўю-томоша қилаётган аёлларни қандай қилиб иффатли Шарқ аёли, фарзандларнинг меҳрибон волидаси деб аташ мумкин. Водариг, ўзинг асрагин бундай сохта шуҳратпарастларингдан! Яна вақти келса шу оналар болаларидан шикоят ҳам қиладилар. Шунча хизматимни билмайди, қадримга етмайди, дейдилар. Шу ўринда янги турмуш қураётган қизларга ва уларнинг оналарию, янгаларига айтадиган гапим бор: Азал-азалдан никоҳ куни қиз ҳам, йигит ҳам оҳорлик кийим кийишган. У ҳоҳ бўз бўлсин, ҳоҳ шоҳи бўлсин, янги, шу келинкуёвларга атаб тикилган. Янги турмуш қураётган ёшлар янги либосларида ўзларига Оллоҳдан бор орзу-истакларини тилаб олишган. Ҳозир-чи? Қўлдан-қўлга ўтган, танадан танага теккан, ер супирган кўйлакка палон пул тўлаб, ижарага олишади. Бошларида фатами, шляпами, нима деб аташни ҳам билмайман, ўшаларни кийиб никоҳдан ўтишади. Бу қилиқлар бизнинг Шарқ урф-одатларига тамоман зид эмасми? Ундан кўра шарқона чиройли тикилган оқ кўйлак, оқ пешмат, оппоқ рўмолларни ўраб ҳилҳил товланиб ҳаё билан, поклиза қиз ният билан ўнг оёқни босиб остонага қадам қўйсалар, ҳар турли нохушликлар, уруш-жанжаллар, ажралишлар бўлмасмиди? Қачонгача ўзлигимизни англай олмай, ўзгалар кетидан кўр-кўрона эргашиб юрамиз?Яна бир таклиф: турмуш қураётган қиз-йигитларни шифокор кўригидан синчковлик билан ўтказиш шарт деб ўйлайман. Қонлари аниқланиши, яқин қариндош бўлмасликлари ҳамда уларнинг маънавий дунёқарашлари ҳисобга олиниши керак. Чунки ногирон, чала, жисмонан кемтик болаларнинг кўпайиши ана шу никоҳнинг шошилинч, ўйламай ўтказилиши ва баъзи бир йигитларнинг кўплаб спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари, қизларнинг ёши етмай турмуш қуришлари, соғлиги мустаҳкам эмаслиги, нима бўлса ҳам тез-тез узатиб олақолай деб оналарнинг шошилишлари сабаб бўляпти.

Илгарилари аёллар ниҳоятда азиз ва ардоқли бўлган. Чунки, у фақат ўз вазифасини билган ва уни мукаммал бажарган. Эркаклар бажарадиган ишлардан нари, яъни ичкарида бўлган. Бегоналарга тик қараш, ўзидан катталарга сўз қайтариш, ҳатто овозларини ҳам баландроқ чиқариб сўзлашишни ўзларига ор билган.Айниқса, ёш, балоғатга етган қизлар, янги келинчакларнинг оилада тутган ўрни, уларнинг ўзларига нисбатан ўта талабчанликлари туфайли келин тушган уйнинг файзи, таровати ўзгача бўлган. Момоларимиз айтишарди «келинчаклик Бедилкитобидан қийиндир». Бунинг мазмуни отин ойилар мактабида ўқиган қизлар Бедилни ўқиб туширишлари ниҳоятда мушкул экан.

Ахир янги тушган келинчак тонг саҳарда туриши, ҳаммаёқни ораста қилиб супуриб-сидириши, нон ёпиши, сигир соғиши, кув пишириши жомашов-жомашов кир ювиши ва яна қанчалаб ишларни бажариши, эрта тонгдан то кечгача елиб югуриши керак эди. Дейлик, шундай кунларнинг бирида шу келинчак ҳомиладор бўлиб қолди. Табиийки, чопиб-чопиб хизмат қилишлари секинлашади, овқатга иштаҳаси бўлмайди, ранги синиқади ва ҳоказо. Буни энг аввало овсинлари, қайнонаси сезадию, севинчи ичига сиғмай чолига, қўшнисига секингина шипшийди. «Ҳай айланай, келинпошшанинг гумоналари борга ўхшайди, ўргилай берганидан, илойим икки жонни саломат бер-син», деб келинини кўнглини олишга, оғирини енгил қилишга интилишарди. Ложи борича бўлғуси онанинг кўнгли нима тусаётганини сўраб-суриштиришар, энг тансиқ таом, тотли нарсаларни бутун оила аъзолари билан шу келинчакка илинишар, уни кўздан йироқ сақларди. Эркакларнинг кўзи тушмасин, уят бўлади, бегона одамлар кўзламасин, оғриб қолади, кеч кирдими, ўша ҳомиладор аёлни ҳовлига ёки дала жойларга бўлса, боғ этаклари томон асло юборишмас, ҳар турли кўзга кўринар-кўринмас инсу-жинслардан эҳтиёт қилишарди. Она қорнидаги гўдак катта бўлиши баравари-да унга атаб қўй – кўзи боқардилар. «Худо хоҳласа, эсон-омон кўзи ёриса, янги меҳмон шарафига ақиқа қиламан, қариндош-уруққа, маҳалла-кўйга ош бераман» деб аста-секин топган-тутганларини йиғиб борардилар. У томонда қизнинг ота-оналари, қуда-андалар ўз куйманчикларини кўришар, бешик тўйига бор-йўғини асраб турарди. Бироқ, бола учун на бешик асбоб, на кўрпа-кўрпача, на бирор кийимча тикишмас эди. Ҳатто қўлларига игна ушлашдан ҳам чўчишарди. Сабаб, худодан қўрқардилар. Ҳали дунёга келмаган инсонни Оллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдику! Қодир худога ёлбориб, икки жонни саломат беришини туну-кун илтижо қилардилар. Орадан тўққиз ой, тўққиз кун ўтгач...

Ахир оламда янги фарзандни дунёга келтириш аёл учун ўлим билан олишув. Менинг бу нозик жараённи узоқ тасвирлашимнинг боиси, наҳотки шундоқ машаққат билан дунёга келган инсонни севмаслик, ардоқламаслик, келажакнинг умид-чечагини асрамаслик мумкин эмас. Олам беғуборлиги, олам муаттарлиги ана ўшандадир.Болани она қўйнига берган дақиқалардан бошлаб она-бола ўртасида боғланган меҳр иплари бир умр занжирбанд бўлиб кетарди. Она айтган алла гўдак қонига сут билан кириб, унинг мурғак кўксида абадий муҳрланиб коларди. Аминманки, она алласидан сел бўлмаган, яйрамаган бирор жонзот бўлмаса керак. Аммо кейинги ўн йиллар ичида дунёга келаётган болаларнинг деярли кўпчилиги алла эшитмай ўсди ва ўсмоқда. Она сутига тўймай, нимжон бўлиб етилмоқда. Сут билан кирган жон билан чиқади, деган мақол бор. Бироқ бизнинг болакайлар она сутини биринчи дақиқадан эмас, орадан икки-уч кун ўтгандан сўнг тотадилар. Болалар дунёга аввало нимжон ёки ярим мажруҳ бўлиб келмоқдалар. Сабаб, айрим оналар ичкиликка, чекишга берилиб кетган. Оилага эътибори кам, ўз фароғатини ўйлайди. Бир сўз билан айтганда, оталик ва оналик масъулиятларию, келажакларини чуқур фикрламайдилар. Натижада гўдак билан бирга бир умр азоб чекадилар. Бизнинг шифокорларимиз берган фойдали маслаҳатларга амал қилмайдилар. Айрим туғруқхоналарда ҳали буйраги, ҳали юраги, ҳали жигар касаллигига гирифтор бўлган ҳомиладор аёллар кўкка кўз тикиб зориқиб ётишади. Ахир носоғ онадан қандай қилиб соғлом бола дунёга келсин. Аёл зоти тўла-тўкис соғлом бўлмагунча, оиласи тинч-тотув яшамагунча, ўзига ишонмагунча болали бўлиш ҳақида ўйлашга ҳам ҳаққи йўқ. Ёки турмуш ўртоғининг соғлиғи, оталикни чуқур ҳис қилиб, ҳамма масъулиятни, мажбуриятни бўйнига олмагунча ўзини эҳтиёт қилиши шарт. Айтайлик, ота ҳам бақувват, ақлли, она ҳам оқила, соғлом аёл. Табиийки, уларнинг фарзандлари саломат дунёга келади. Бироқ бу болани қандай ўстириш, қанақа тарбия қилиш керак? Сўзсиз унга она сутию, она алласи, озода йўргагу, тут дарахтидан ясалган бешик лозим бўлиб қолади. Аммо туғруқхонада бу болага сўрғич орқали илк бор аралаш-қуралаш сут эмизилган. Шу сутда ҳали биз юқорида айтган ҳар хил касалманд, ҳар турли характерли, ҳатто ниятлари поку-нопок бўлган оналарнинг сутларидан томчилар омухта бўлади. У ёғини тасаввур қилаверинг... Қадимда ўзга аёл сутини ҳеч қачон бегона болага эмизишмаган. Фақат ночор ҳоллардагина онаси вафот этса ёки оғир хаста бўлса, шундагина она розилиги берилган.

Айтаверсам, ёзаверсам, гап кўп. Дардимиз бир жигарларим, ташвишимиз бир. Шунинг учун эртамизни ишончли қўлларга топширмоқ масъулиятининг 99 фоизи бизга тааллуқли. Агар истасак қўлимиздан келмайдиган иш йўқ. Соғлом авлодни вояга етказиш учун қандай имконият бўлса излайлик.

НИЛУФАР

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг 60 йиллигига

МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Маълумки, ҳозирги Самарқанд давлат университетининг пайдо бўлиши ва такомили асосида 20-йилларнинг бошларида ташкил этилган Самарқанд Педакадемияси ётади. 1928 йилгача Педакадемия сифатида фаолият кўрсатиб келган бу маориф ва маданият ўчоғи кейинчалик Алишер Навоий номидаги СамДУ сифатида мутахассислар тайёрлай бошлади. Ушбу олий ўқув юртини сон-саноқсиз жаҳон фани ва маданиятига донг тараттан улуғ олиму фузалолар, шоиру ёзувчилар, муаллиму муҳандислар битириб чиққанлар.

1929 йилнинг апрель ойида университетнинг филология ва педагогика факультети битирувчиларининг давлат имтиҳони олдидан йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда туркологиянинг айрим масалалари бўйича имтиҳон олди назарий маърузага таклиф этилган қрим татар халқининг фарзанди, саккиз тилни, чунончи, араб, форс, немис, инглиз, рус каби хорижий тилларни яхши билган, профессор Бакир Чўбонзода қатнашиб, ўзининг мароқли назарий машғулотлари билан барчанинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Айтишларича, профессор Б. Чўбонзода атоқли ўзбек шоири, туркий филология кафедрасининг мудири, доцент Шокир Сулаймоннинг таклифи билан СамДУга ташриф буюрган экан.

Шоир ва адабиётшунос Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи, ҳозирда 87 ёшга кирган фахрий муаллима Зайнаб Мирсалимованинг гувоҳлик беришича, университетининг дастлабки битирувчилари Самарқанд университетининг мажлислар залида Чўбонзода билан суратга тушишган. Бу ноёб сурат, мана 65 йилдан сўнг, биринчи марта эълон қилинмоқда.

Суратда: ўтирганлар (ўнгдан): доцент Шокир Сулаймон, профессор Б. Чўбонзода, доцент В. Васильева — ўрис тили муаллими, доцент Олим Шарафиддинов — адабиёт назариётчиси, Зуннун домла — педагогика фани муаллими. Битирувчилардан журналист Адҳам Ҳамдам ҳам бор. (Ўнгдан чапга, охирида тик турганлардан учинчиси).

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Таклифлар, мулоҳазалар

ТЕЗЮРАР ЭЛЕКТР ПОЕЗДЛАР ҚАТНАСА...

Тошкент — Сирдарё — Гулистон — Ховос — Бекобод шаҳарлари бўйлаб электр поездлари қатнови йўлга қўйилгани ва улар сони кўпайтирилгани айни муддао бўлди. Бундан жуда мамнунмиз. Чунки поездларнинг йўл ҳақи бошқа транспорт турларига нисбатан анча арзон ва қулай. Фақат бир истагимиз бор. Шу поезднинг эрталабки рейслари тезюрарга айлантирилса, Тошкентга Гулистондан ҳозиргидек 3 соатда эмас, 2 соатда борадиган қилинса айни муддао бўларди.

Бозор шароитлари одамларни ҳаракатга солиб қўйди. Темир йўл транспортчилари ҳам ана шунга мослашсалар яхши бўларди.

Каримжон ТОЖИЕВ,
Боёвут тумани.

Савоб

ЯХШИЛАР БОР ЭКАН...

Кўпинча одамгарчилик хусусида гап кетганда «ҳозирҳаммасига путур кетган» деб қўямиз. Лекин дунёда савобталаб, оқибатли инсонлар кўп экан. Мен бунга яқинда бевосита ўзим иштирок этган воқеадан кейин яна бир бор амин бўлдим. Қўшнимиз Алексей Семиненко 72 ёшда. Уруш йилларида шу ерга келиб қолиб анча йиллар Қарши туманидаги Ленин номли совхозда меҳнат қилган.

Яқинда шу кишининг турмуш ўртоғи қазо қилди. Отам билан бир-иккита яқин қўшниларни олдик-да, Алексей бобоникига ўтдик. Унинг аҳволи билан танишгач, маҳалла қўмитасига бориб расм-русум учун маблағ ажратишини сўрадик. Лекин, «домкўм»ўзи ҳам ночор аҳволда эканлигини айтди. Шундан кейин биз ХДП шаҳар ташкилотига мурожаат қилдик. Халқ демократик партияси шаҳар кенгашининг биринчи котиби Музаффар Туропов ўша заҳотиёқ барча расм-русумларга кетадиган маблағ ва озиқ-овқат маҳсулотларини топиб бериб, ўзи марҳумани кўмиш маросимида иштирок этди. Алексей бобо ва унинг қўшнилари миннатдорчилигини газета орқали етказишни лозим топдим. Қани энди, ҳамма ҳам шундай бўлса.

Қувват РОЗИҚОВ,
Қарши шаҳри.

Тошкент шаҳридаги 43-ўрта мактабдан 1994 йили Исроилов Давронбек Ғайратович номига берилган А . 429964 рақамли аттестат
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тадбиркорлик

СИРДАРЁНИНГ СОВУНИ...

Гулистон (мухбиримиздан). Бу ердаги ёғ-экстракция заводи қошидаги совун ишлаб чиқариш цехи жамоаси ўзларининг дастлабки маҳсулотларини вилоят аҳолисига тортиқ этишга ҳозирлик кўрмоқда. Яқин кунларда дастлабки 10 тонна кир совун сотувга чиқарилади. Цех бошлиғи В. Содиқов, технолог Т. Абдуҳамидовларнинг таъкидлашларича, цех тўла қувват билан ишлай бошлагач дастлаб ойига 100 тонна, кейинчалик эса 200 тоннагача совун ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Цехни барпо этишда россиялик мутахассисларнинг ускуналаридан фойдаланилди. Лекин цехнинг 70 фоизи корхонанинг ўз кучи билан барпо этилди.

Абдужалил УМАРОВ.

Суд ҳукмидан сўнг

ХОСИЯТСИЗ ТУН

Навбатчи хонасидаги қўнғироқ жиринглади. Унинг гўшагидан келаётган овоз мунгли ва илтижоли, узилиб-узилиб эшитиларди.

Мудҳиш хабар бир зумда ички ишлар ходимларини оёққа турғазди. Воқеа жойига етиб келгунча, дастлаб улар ҳам даҳшатли қотилликдан ланг қолдилар, Чунки бир хонадонда уч қотиллик содир бўлганди. Уч мунис аёл тасвирлаш ожиз ҳолатда чўзилиб ётарди. Бу қадар қабиҳликни хизмат жараёнида учратмаган ҳуқуқ ходимлари жиноятчининг шу қадар тубанликка боришини ҳазм қилолмадилар.

Жиноятчи қилар ишни бажариб, аллақачон «қуён» бўлганди. Ички ишлар ходимлари олдида уни топиш ва қилмишига яраша жазони бердириш вазифаси турарди.

... Ўша кеча Хоразм вилояти Боғот туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигида Аваззжон момо Худойбергановалар оиласи учун бехосият тун бўлди. Бирданига уч инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Буни эшитганлар ҳали ҳануз 1992 йилнинг 19 майига ўтар кечасини эслашганда қалблари ларзага тушади.

Аваззжон момо икки қизи ва бир ўғли билан яшарди. Қишлоқдаги ўзига тўқ, сийли-сийловли оилалар сирасидан эди, Кумуш эндигина 12 баҳорни қаршилаётган эди. Кенжа ўғли Мардонбек 10 ёшга тўлган эди.

Тақдири азал Аваз момони тирноқдан қисганди. Аммо қисматига тиз чўкмаган момо болалар уйидан уч бола олиб, ният қилган орзуларини, меҳру муҳаббатларини қўнгли ярим болажонларга бахшида этиб ўстираётган эди. Минг афсуски, ўша хосиятсиз тун орзуларини армонга айлантириб қўйди.

Темир қафас ортида ўтирган йигит Ихтиёр Қиличев эндигина 22 ёшга тўлган. Қиламан деса кўп ишларга қурби етадиган забардаст даври эди. Аммо у ўз кучини инсоният учун, жамият учун тамомила тескари ишга сарфлади. Уйидан аразлаган йигит ишлаб пул топиш ўрнига ўғриликка йўли билан дунё орттиришни дилига тугди.

Пул, мол илинжида Аваз момонинг хонадонига ўғриликка кирган Ихтиёр ўз қабиҳ ниятини амалга оширишда тўсқинлик қилувчи кишиларнинг эпақасини келтириш мақсадида қўлига махсус тайёрланган темир таёқ, арматура бўлагидан ярим метрини олиб кирганди.

Ярим тунда чақирилмаган меҳмоннинг шарпасидан уйқуси қочган Аваз момо сесканганча у томон борди. Бегона кишининг ўз уйида тимирскиланиб юрганини кўргач:

— Кимсан?!. Нима қилиб юрибсан? Сени танидим, — дея олди, холос. Бошига урилган қаттиқ зарбадан гапи оғзида қолди.

Бемаҳалдаги шовқин-сурондан уйғониб кетган Султонпошша ҳам ҳавотир олиб, воқеа жойига келади. Қонга беланиб ётган онаси ва бегона одамни кўргач эс-ҳушини йўқотиб қўяди.

Бир ҳокисорнинг умрига нуқта қўйган бу қиёфасиз Султонпошшонинг боши ва танасига темир билан қаттиқ жароҳат етказгач, ишининг қийигини чиқармаслик мақсадида, ичкари уйга киради. Ширин уйқуда ором олаётган икки норасида гўдакни ҳам гумдон қилиш ниятида қонга беланган қўлларнини яна қонга белайди. Кўзлари қонга тўлган қотил ухлаб ётган Кумуш ва Мардонбекни ётган жойида савалай кетади. Гўдакларни уч-тўрт ургандан сўнг ўлди, деб ўйлаб, калтаклашдан тўхтайди. Мардонбекнинг устига кўрпа-ёстиқ ташлаб қўяди. У шунчалик қабоҳатдан кейин Султонпошшо ва Кумушнинг ожизлигидан фойдаланиб уларнинг номусига тегади.

Ички ишлар ходимларининг тезкор чора-тадбирлари, тинимсиз меҳнатлари зое кетмади. Машъум қотилликдан сўнг, уйидан кетиб қолган Ихтиёр Қиличевнинг ўша хонадондан бир қанча мол-мулкни ўғирлаб кетганлиги ҳам маълум бўлди. Унинг мудҳиш қилмишларини эшитганлар унга ўлим тиладилар.

Вилоят судининг судьяси Шариф Бобожонов, халқ маслаҳатчилари Ф. Машарипов ва А.Авезовлар адолат тарозиси билан ўлчаб жиноятчини энг олий жазога маҳкум этдилар.

Ҳа, «ҳар кимки ёмон бўлса,жазо топқусидур» деганларидек бир қабиҳ қилмишига яраша олий жазога – ўлимга маҳкум бўлди. Аммо бу чандиқ тасодиф туфайлигина омон қолган Мардонбекнинг ёдида бир умрга оғриқ бўлиб қолди.

Ш.РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон ИИВ матбуот маркази инспектори.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати, жамоа ташкилотлари ҳамда «Саноат ва фуқаро қурилиши» факультети жамоаси факультет декани, техника фанлари доктори, профессор Х. Н. Нуретдиновга акаси

Муҳиддин НУРЕТДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

«Муштум» журнали жамоаси журналнинг фаол муаллифи, ҳажвчи ёзувчи Тўхташ АШУРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

8 СОАТДА СУЗИБ ЎТДИ

НЬЮ-ЙОРК штатининг Бат шаҳарчасидаги майхоналардан бирининг соҳиби бўлмиш Том Уиллер пул учун ҳар нарса юзасидан гаров ўйнашга тайёр. Яқинда бир таниши билан Онайда кўлидан бемалол сузиб утаман деб тортишиб қолди. Кўпчилик ишонади. Ахир кўлнинг узунлиги накд 20 мил келади-я.

Том таниши билан гаров ўйнади. Гаровга 7000 доллар тикилди. Томошабинлар Томнинг жасоратига қойил қолишди. У кўлнинг бу чеккасидан у чеккасигача бўлган 20 мил (тахминан 32 километр) масофани 8 соатда сузиб утди.

ТЎП ЕРГА ТУШМАДИ

ШВЕЙЦАРИЯЛИК Паул Захли ўзига хос рекорд ўрнатганлардан. У танаффуссиз 20 километр масофага тўпни ҳаволатиб тепиб борди. Тўп бирор марта ҳам ерга тушиб кетмаган.

САЛКАМ БЕШ ЯРИМ МИНГ КИШИЛИК РАҚС

НЬЮ-ЙОРКДА шундай анъана бор: номи «Треп-о-мэниа», яъни «чечеткомания». Ҳар йили Нью-Йоркда машҳур «Эмпайр стейт билдинг» осмонўпар биносининг қаршисида жойлашган 34-кўчада Американинг турли бурчакларидан ўз ҳисобига келган рақс шинавандаларининг анъанавий байрами булади. 1993 йили об-ҳавонинг иссиқ ва дим бўлишига қарамай, байрамда қатнашувчилар сони рекорд натижага етган.

Ундан бир йил бурун 4877 киши рақсда қатнашган бўлса, ўша йили эса 14 ёшдан 84 ёшгача бўлган 5279 нафар одам иштирок этди. Қизиги шундақи, уларнинг бари бир хил — жигарранг майка билан оқ шляпа кийиб олишган эди.

ФУТБОЛДА ҲИСОБ 44:38

ҲА ИШОНАВЕРИНГ, одатда футболда киритилган тўплар сони нари борса 12 тага етарди. Бироқ Британия учувчиларининг икки командаси Сингапурда ўтказган ўйинда эса... Узиям бу футбол роса антиқа бўлди-да. У пайшанба куни соат 20 да бошланиб, жума куни эрталаб 8 дан 30 дақиқа ўтганда тугади. Шунинг учун бўлса керак ҳисоб 44:38 га етди. Бу ўйинда фақат бир ўйинчи ниҳоятда чарчаб қолганлиги туфайли майдондан чиқиб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23.35 Г -- 0004, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.